

Умри давомида бир марта ҳаж қилиш | Фикҳ дарслари (350-дарс)



19:00 / 23.10.2025 1072

مَلَسَ وَهَيَّجَ هَلَلًا يَلْصِقُ هَلَلًا لُؤْسَرًا أَنْبَطَخَ: لَأَقُّ هُنَّ هَلَلًا يَضَرَّةَ رِيَّهَ يَبْأَنَعِ
أَيِّ مَأَعْلُكًا لُجْرَ لَأَقَفِ، «أَوْجَحَفِ، جَحْلًا مُكَيَّلَعُ هَلَلًا ضَرَفُ دَقِّ سَانِ لَأَهْيَا» لَأَقَفِ
هَلَلًا يَلْصِقُ هَلَلًا لُؤْسَرًا لَأَقَفِ، أَلَا لَأَقِ يَحْتَكِسَفِ هَلَلًا لُؤْسَرِ
مُكْتَكِرَتِ أَمِ يَنْوَرِدُ: لَأَقُّ مَثُ «مُتَعَطِّسًا أَمَلًا وَتَبَجَّوَلِ، مَعْنُ تَلْقُ وَلِ» مَلَسَ وَ
إِذَا فِ، مَوَّئِ أَيِّ بِنَّا يَلْعَمُ مَوْفَ أَلْتَخَاوِ، مَوْلِ أَوْسَرَةَ رَثَكِبُ مُكَلِّبَقِ نَاكَ نَمَكَلَهُ أَمَّنِ إِفِ
هُ أَوْرِ. «هُوَ عَدَفِ عِيَّ شِ نَعْمُ كُتَيَّ هَنَ إِذِ إِي، مُتَعَطِّسًا أَمُّ هُنَّ أَوْتَأَفِ عِيَّ شِ بُمُ كُتَرَمِ أ
يَذْمُرَّتِ لَأَوِيَّئِ أَسِّنِ لَأَوُ مَلَسُمِ

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизга хутба қилиб:

«Эй одамлар! Батаҳқиқ, Аллоҳ сизга ҳажни фарз қилди. Бас, ҳаж қилинг!» дедилар.

Шунда бир киши:

«Ҳар йилими, эй Аллоҳнинг Расули?» дея уч мартаба сўрагунича жим турдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа, десам, вожиб бўлиб қолар эди ва қодир бўлмас эдингиз. Мен сизни тарк қилган нарсада сиз мени тек қўйинг. Албатта, сиздан олдин ўтганлар саволларининг кўплиги ва анбиёларига ихтилоф қилганлари туфайли ҳалок бўлганлар. Қачон сизга бир ишни амр қилсам, уни қудратингиз етганича қилинг. Қачон сизни бир нарсадан қайтарсам, уни тарк қилинг», дедилар».

Муслим, Насоий ва Термизий ривоят қилишган.

Бу ҳадиси шарифда ҳаж ибодати иложини топган, шартларни ўзида мужассам қилган мўмин-муслмонга умрида бир марта фарз бўлиши ҳақида сўз бормоқда.

Шу билан бирга, Ислом осонлик дини экани яна бир бор таъкидланмоқда. Агар Аллоҳ таоло истаса, ҳажни ҳар йили ёки умр бўйи бир неча бор фарз қилиб қўйиши мумкин эди. Аммо бандаларига меҳрибон Зот бу ибодатни кишининг умрида фақатгина бир марта фарз қилди.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا حُجَّاتَ بَعْدِي إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ، وَإِنْ أَمَرْتُ بِشَيْءٍ فَعَلُوا بِهِ، وَإِنْ نَهَيْتُمْ بِشَيْءٍ فَاجْتَنِبُوا».

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Ал-Ақраъ ибн Ҳобис розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Ҳаж ҳар йилими ёки бир мартами?» деб сўради.

«Йўқ. Фақат бир марта. Ким зиёда қилса, нафл бўлади», дедилар».

Абу Довуд, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

يُذَمَّرُ لَهَا وَرَ . صَدَقَ سَبِيلاً إِلَيْهِ اسْتَطَاعَ مِنَ الْبَيْتِ حَيْثُ النَّاسِ عَلَى وَرَبِّهِ اللَّهُ : وَبِأَتِكَ يَفُ لُوقَى هَلْ لَنَا أَنْ كَلَدُو

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким зод ва уни Байтуллоҳга элтадиган роҳилага эга бўлса-ю, ҳаж қилмаса, унинг яҳудий ёки насроний ҳолида ўлишининг фарқи йўқ. Бу Аллоҳнинг Ўз Китобида «Одамлардан йўлга қодир бўлганларига Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилмоқ бурчдир», дегани учундир», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Бундан имкони бўлатуриб, ҳаж қилмаслик катта гуноҳ экани келиб чиқади. Бас, ўзида ҳаж шартларини мужассам қилган одам бошқа ҳамма ишини йиғиштириб қўйиб, энг аввало тезда ҳаж ибодатини қилишга шошилиши лозим. Кейин турли баҳоналар чиқиб, ҳаж қила олмай ўлиб кетса, катта хайр ва баракадан маҳрум бўлган ҳолида кетади. Ҳадиси шарифнинг таъбирига эътибор берадиган бўлсак, ҳаж қилиш имконига эга бўлатуриб, узрсиз ҳаж қилмаган одам нафақат хайр ва баракадан маҳрум бўлади, балки ўта ноқулай ҳолда қолади. Чунки у Аллоҳ таолонинг таъкидланган амрини бажармаган бандадир.

Агар ёш бола эҳром боғлаганидан кейин балоғатга етиб қолса ёки қул озод қилинса, фарзини адо қилмаган бўлади.

Чунки у эҳром боғлаганда нафл учун боғлаган. Нафл нияти билан фарзни адо этиб бўлмайди.

Агар ёш бола эҳромини янгилаб, фарзни ният қилса, ҳажи тўғри бўлади. Лекин қул шундай қилса, ҳажи тўғри бўлмайди. Яъни эҳром боғлаганидан кейин балоғатга етиб қолган ёш бола аввалги эҳромини бузиб, фарз ҳажни адо этиш ниятида эҳром боғласа, тўғри бўлади. Чунки у аввал ўзи аҳл бўлмаган нарсани қилган эди. У балоғатга етгунича эҳром қоидаларини бузса ҳам, унга жазо лозим бўлмас эди. Аммо эҳром боғлаганидан кейин озод қилинган қул эҳромини янгилаб, фарзни ният қилса, ҳажи тўғри бўлмайди. Чунки қулнинг эҳроми лозим бўлиб, ундан чиқишга рухсат йўқ.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.